XALQ DEPUTATLARI ZARBDOR TUMANI KENGASHI
QARORI

2022 - yil 15 - mart VI-42-45-3-49-K/22 Zarbdor tuman hokimligi

Халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгашининг 2021 йил 21 декабрдаги VI-38-71-3-49-К/21-сонли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддаси ҳамда 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан 2022 йил учун Зарбдор туманида белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларни мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг 2021 йил 16 ноябрдаги “Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар ҳамда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-29-75-3-0-K/21-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгашининг 2021 йил 21 декабрдаги VI-38-71-3-49-К/21-сонли қарорининг 1-2-иловаларига

ўзгартириш киритилсин.

3. Бунда, халқ депутатлари туман Кенгаши, юқорида 1-2-иловалар билан белгиланган солиқ ставкаларига 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Нурматов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Б.Аҳмедов), туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Қулматов)ларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан халқ депутатлари Зарбдор туман Кенгашининг 2022 йил 10 январдаги VI-39-2-3-49-К/22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор “Зарбдор” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Нурматов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **З.Рузиев**

Халқ депутатлари Зарбдор туман
Кенгашининг
2022 йил 15 мартдаги
VI-42-45-3-49-K/22-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан 1 гектар учун базавий солиқ ставкаси, млн. сўмда	Коэффициент (0,5 дан 2,0 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (млн.сўмда)
1	Мустақиллик МФЙ	24,65	0.9	22,19
2	Ойбек МФЙ	24,65	0.9	22,19
3	Нуробод МФЙ	24,65	0.9	22,19
4	Тинчлик МФЙ	24,65	0.9	22,19
5	Оқбулоқ МФЙ	24,65	0.9	22,19
6	Равот МФЙ	24,65	0.9	22,19
7	Навоий МФЙ	24,65	0.9	22,19
8	Янгихаёт МФЙ	24,65	0.9	22,19
9	Лалмикор МФЙ	24,65	0.9	22,19
10	Тозауруғ МФЙ	24,65	0.9	22,19
11	Янгиобод МФЙ	24,65	0.9	22,19
12	Шарқ Юлдузи МФЙ	24,65	0.9	22,19
13	Шодлик МФЙ	24,65	0.9	22,19
14	Тараққиёт МФЙ	24,65	0.9	22,19
15	Дўстлик МФЙ	24,65	0.9	22,19
16	Наврўз МФЙ	24,65	0.9	22,19
17	Адиробод МФЙ	24,65	0.85	20,95
18	Тошкесган МФЙ	24,65	0.85	20,95
19	Янгикент МФЙ	24,65	0.82	20,21
20	Нурафшон МФЙ	24,65	0.82	20,21
21	Андижон МФЙ	24,65	0.85	20,95
22	Оқар МФЙ	24,65	0.82	20,21
23	Навбаҳор МФЙ	24,65	0.82	20,21
24	Ёшлик МФЙ	24,65	0.82	20,21

Халқ депутатлари Зарбдор туман
Кенгашининг
2022 йил 15 мартдаги
VI-42-45-3-49-K/22-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Солиқ кодексининг 437-моддасига асосан 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси, сўмда	Коэффициент (0,5 дан 2,0 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
1	Мустақиллик МФЙ	247	0,79	196,00
2	Ойбек МФЙ	247	0,79	196,00
3	Нуробод МФЙ	247	0,79	196,00
4	Тинчлик МФЙ	247	0,79	196,00
5	Оқбулоқ МФЙ	247	0,79	196,00
6	Равот МФЙ	247	0,79	196,00
7	Навоий МФЙ	247	0,79	196,00
8	Янгихаёт МФЙ	247	0,79	196,00
9	Лалмикор МФЙ	247	0,79	196,00
10	Тозауруғ МФЙ	247	0,79	196,00
11	Янгиобод МФЙ	247	0,79	196,00
12	Шарқ Юлдузи МФЙ	247	0,79	196,00
13	Шодлик МФЙ	247	0,77	191,00
14	Тараққиёт МФЙ	247	0,77	191,00
15	Дўстлик МФЙ	247	0,77	191,00
16	Наврўз МФЙ	247	0,77	191,00
17	Адиробод МФЙ	247	0,77	191,00
18	Тошкесган МФЙ	247	0,76	189,00
19	Янгикент МФЙ	247	0,76	189,00
20	Нурафшон МФЙ	247	0,76	189,00
21	Андижон МФЙ	247	0,76	189,00
22	Оқар МФЙ	247	0,76	189,00
23	Навбаҳор МФЙ	247	0,76	189,00
24	Ёшлик МФЙ	247	0,76	189,00